



ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ НОҚОНУНИЙ ЎТКАЗИШГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Илёс Очилов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси мустақил изланувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10100248>

ARTICLE INFO

Received: 04th November 2023

Accepted: 09th November 2023

Online: 10th November 2023

KEY WORDS

Гиёҳвандлик воситалари,
тезкор-қидирув фаолияти,
тезкор-қидирув тадбирлари,
жиноят-процессуал
қонунчилиги.

ABSTRACT

Мақолада тезкор бўлинмаларининг гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланишига қарши кураш фаолиятининг миллий қонунчилик асослари, уларнинг мазмун-моҳияти ёритилган.

КИРИШ

Республикамызда иқтисодий ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб бормоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги “Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” номли 2-устувор йўналишида 17-мақсад сифатида тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш вазифалари белгиланган¹.

Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлиб, асосан уюшган гуруҳлар таркибида, пухта ниқобланган, мураккаб жиноий схемалардан фойдаланган ҳолда содир этилиб, давлатнинг иқтисодий асослари ва жамоат хавфсизлигига тажовуз қилади. “Катта миқдордаги наркотикларни, шу жумладан уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтишга мўлжалланганларини фош этиш ҳоллари ортмоқда. Бу жиноятлардан аксарияти бошқа мамлакатлардаги жиноий олам билан алоқаси

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.



бўлган уюшган гуруҳлар томонидан, шунингдек махфий жойлардан ва техника воситаларидан фойдаланган ҳолда содир этилмоқда”².

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг гиёҳванд воситалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси маълумотларига кўра, 2021 йилда Афғонистонда 6800 тонна опиум етиштирилган бўлиб, уни қайта ишлаш натижасида 320 тоннадан зиёд героин олинган бўлиши мумкин. Гиёҳванд воситалар индустрияси кўлами ҳақида гапирилганда, Афғонистонда ҳар йили бундай воситалар етиштирувчи барча бошқа мамлакатлар улушидан кўпроқ маҳсулот етиштирилади. Ҳисоботга кўра, 2021 йилда Афғонистон опиатлар³ савдосидан 1,8 млрд доллардан 2,7 млрд долларгача миқдорда даромад олган. Ўз навбатида, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказишга оид қайд этилган жиноятлар миқдори 30,6 фоизга (1751 тадан, 2287 тагача), бу каби жиноятларни содир этган шахсларнинг сони эса 6 фоизга, шу жумладан, бунда чет эл фуқароларининг улуши 19,2 фоизга ошган. Олиб қўйилган гиёҳванд воситаларнинг умумий миқдори 21,9 фоизга (2020 йилда 48776,9 тонна, 2021 йилда 59458,9 тонна) шу жумладан героин 82,1 фоизга ва опий 41,5 фоизга ошган⁴. “Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Статистик маълумотларга кўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади”⁵.

Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказишга қарши курашиш фаолияти бир қатор қонунлар орқали тартибга солиниб, бу борадаги тезкор-қидирув муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Қонунда тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда – ТҚФ)нинг умумий тартиби, асосий қисми, тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда – ТҚТ) ўтказиш шарт-шароитлари ва уларни расмийлаштириш тартиби, ТҚФни амалга оширишга масъул органлар рўйхати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялари, фуқароларнинг ТҚФни амалга ошираётган органларга кўмаги тушунчаси, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси, ТҚФнинг молиявий таъминоти белгилаб берилган, ТҚФ устидан назорат қилиш масалалари мустаҳкамланган.

² Қаранг: *Маҳмудов Б.Ш.* Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда ўтказиш жиноятини олдини олишнинг устувор йўналишлари // «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal ISSN: 2181-1601// Volume: ISSUE: 6.

³ Опиатлар – бу кучли таъсир этувчи гиёҳванд восита бўлиб, кўкнорини синтезлаштириш орқали олинади. Уларга: морфин, кодеин, героин, дезоморфин, промедол, шунингдек синтетик аналоглар киради (<https://ru.m.wikipedia.org>)

⁴ Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази (CARICC)нинг 2021 йилда Афғонистон ва Марказий Осиё давлатларидаги нарковазиятга оид ҳисоботи.

⁵ Қаранг: *Аҳмедов А.* 26 июнь – халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни. // Адлия вазирлиги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази / info-adolatmarkazi/uz



Қонун қабул қилинган кунга қадар ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг кўриниши сифатида ТҚФни амалга ошириш механизми очиб берилмаган ҳолда бир қатор қонунчилик ҳужжатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (эски таҳрирининг 121-моддаси), Жиноят-процессуал кодекси (эски таҳрирининг 339-моддаси) “Прокуратура тўғрисида”ги (4, 8, 28 ва 31-моддалар), “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги (4-модда биринчи қисми), “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги (7-модда) қонунлар, Жиноят ижроия кодекси (68-модда) ва бошқаларда акс эттирилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига монелик қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш ҳамда жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашни мақсад қилиб қўяди⁶. Унинг 3-моддасида гиёҳвандлик (наркотик) воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари асосий тушунчаларга тегишли таърифлар берилган. Қонуннинг 6-моддасида кўра, Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг асосий турлари: гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш), тақсимлаш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб киришга (олиб чиқишга) лицензия, шунингдек, олиб кириш (олиб чиқиш) ҳуқуқи тўғрисида махсус ваколатли орган томонидан бериладиган сертификат бўлган тақдирда йўл қўйилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни махсус ваколатли орган рухсатсиз Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш тақиқланади. Ушбу талаблар бузилган тақдирда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қонунчиликка мувофиқ мусодара этилади (12-модда).

Бундай нормаларнинг баъзилари бевосита ТҚФни тартибга солмасда, лекин уни амалга ошириш, турли ҳуқуқий, ташкилий ва тактик масалаларни ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, Қонуннинг 29-моддасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ва прекурсорлардан ТҚФда фойдаланиш масалалари ўз аксини топган бўлиб, унга кўра “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ва прекурсорлардан уларни назорат остида етказиб бериш ва назорат остида олиш, бошқа ТҚТни ўтказиш учун фойдаланиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади” деган талаб мустаҳкамланган.

Назорат остида етказиб бериш ТҚТга Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 407-моддасида қуйидагича таъриф берилган: “Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни ва бошқа ашёларни божхона чегараси орқали назорат остида етказиб бериш тезкор-қидирув

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни.



фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ижозати ҳамда назорати остида божхона ҳудудига уларни олиб кириш, ушбу ҳудуддан олиб чиқиш ёки олиб кирилган ашёларни ундан олиб ўтишга йўл қўйиладиган тезкор-қидирув тадбиридир”. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасида ҳам “назорат остида етказиб бериш” ТҚТга: “Эркин реализация қилиниши тақиқланган ёки муомаласи чекланган ёхуд жиноят объекти, предмети ва қуроли бўлган товарлар, валюта қимматликлари, моддалар ва бошқа предметлар олиб ўтилишини (ташилишини, жўнатилишини, топширилишини) тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида ноошкора назорат қилишдан иборат бўлган тадбир” деган тушунча берилган бўлиб, мазкур ТҚТ гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказишга қарши курашда энг самарадор тадбирлардан ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва бошқа ашёлар халқаро қонунга хилоф муомалада бўлишининг олдини олиш, шунингдек бундай муомалада иштирок этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳар бир алоҳида ҳолда чет давлатларнинг ваколатли органлари билан келишувларга кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида назорат остида етказиб бериш усулидан фойдаланади, яъни қонунга хилоф равишда муомалага киритилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг, шунингдек бошқа ашёларнинг ўз назорати остида божхона ҳудудига олиб кирилишига, бу ҳудуддан олиб чиқилишига ёки транзит тарзида олиб ўтилишига йўл қўяди.

Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказишга оид жиноятларга қарши курашиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларига жиноят тушунчаси, жиноятда иштирокчилик, жиний жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтиш ва бошқаларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормаларини киритиш мумкин⁷. Мазкур кодексда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказганлик учун жиний жавобгарлик белгиланган⁸.

Шу билан бирга, тезкор бўлинмаларнинг вазифалари қаторида гиёҳвандлик воситалар контрабандасига қарши курашишга оид муҳим вазифалар белгиланган. Ҳуқуқшунос олим А.Ачиловнинг фикрига кўра, сўнгги йилларда божхона қонунчилигида амалга оширилган ислоҳотлар нафақат контрабанда тушунчасига, балки унинг моҳиятига ҳам ёндашувларни ўзгартирди⁹. Шунингдек, Жиноят кодексининг умумий қисмида ТҚФни амалга оширишдаги айрим ҳуқуқий тартиб ва нормалар (масалан, зарурий мудофаа; охириги зарурат; ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани

⁷Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: Умумий қисм. – Т.: 1994.

⁸Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси.

⁹Қаранг: Ачилов А. Ташқи иқтисодий фаолиятга оид жиноятларни ҳуқуқий малакалашни такомиллаштириш: Ю.ф.ф.д.дисс.-си. – Т.: 2021. – Б. 42.



бажариш; касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик ва бошқалар) мужассамлаштирилган¹⁰. Жиноят қонунчилигининг кўрсатиб ўтилган нормалари ТҚТларини ўтказиш асослари ва шартлари ҳамда уларнинг натижаларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни жорий этиш имкониятини яратишда муҳим ўрин эгаллайди.

Тезкор-қидирув қонунига яқин бўлган юридик нормалар кўпроқ ЖПКда ўз аксини топган бўлиб, унда терговга қадар текширув органи зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш мақсадида ТҚТни ўтказиш (39¹-модда), терговчи, суриштирувчи ва прокурор томонидан ўз юритувидаги жиноят ишлари бўйича ТҚТ ўтказиш учун ёзма топшириқ бериш, ТҚФни амалга оширувчи органга шахсларни ушлаб туриш, мажбурий келтириш, қидириш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини топшириш (36; 38¹; 382-моддалар) ва бошқа мажбуриятлар юклайди. Божхона органлари томонидан ўтказиладиган ТҚТлари жиноят иши қўзғатишга замин яратади ёки бир пайтнинг ўзида қидирув ҳам амалга оширилади. ТҚТлари натижасида олинган материаллар, одатда, содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор бўлган шахслар бўйича аниқ маълумотлардан ташкил топган бўлади.

Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказишга оид жиноят иши терговчи томонидан тезкор-қидирув иш юритув иши материалларига асосан қўзғатилган ҳолатда терговчи ва тезкор бўлинма ходимлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини белгилаб беради. Мазкур ҳолатда қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги, ТҚТлари ўтказиш учун асос ҳисобланади¹¹. Жиноят процессуал нормалар тезкор ходимлар томонидан тезкор-қидирув юритуви ишлари бўйича иш олиб бориш жараёнига ҳам билвосита таъсир этади ва иш бўйича далиллар ва исботлашга алоқадор жиноят-процессуал тартибларидан келиб чиқиб ТҚТлари натижалари асосида тергов ҳаракатларини ўтказиш хусусиятларини белгилаб беради.

Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказишга қарши курашишга оид ҳуқуқий асослар қаторида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳам алоҳида ўрин тутади. Ушбу қонунда ТҚФни амалга оширилиши ҳамда бу фаолият устидан прокурор назоратини ўрнатиш билан боғлиқ нормалар мавжуд¹². Тезкор бўлинмалар томонидан ТҚФни амалга оширишда прокурор назорати нафақат прокуратурага келган материаллар, хабарлар ва ТҚФни амалга оширувчи орган ходимларининг қонунбузилишлари тўғрисида мурожаатлар билан боғлиқ, балки ваколатли прокурорларнинг шахсий ташаббускорлиги бўйича ҳам амалга оширилади. Прокурор ТҚФни амалга ошириш мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ва етарли асослар бўлса айбдорларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни нормалари ҳам гиёҳвандликка қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг IX-боби 35-41-моддалар.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 15-модда биринчи қисми.

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 4, 8 ва 28-моддалари.



ҳисобланади¹³ ва унга мувофиқ ТҚТларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, ТҚФ режалари ва натижалари, ТҚФни амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда мазкур органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги, шунингдек ТҚТларини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ва бундай маълумотлар фақат ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг қарори асосида ошкор этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ҳам ТҚФнинг ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланиб, унда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиблари белгиланган¹⁴. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори¹⁵ ҳамда ушбу қарор ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 ноябрдаги 296-сонли Қарори билан ахборотлаштириш объектларини аттестациядан ўтказиш ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тасдиқланган.

Мазкур соҳанинг ҳуқуқий асослари сифатида давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, гиёҳвандлик воситалари ва бошқа тақиқланган моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат чегаралари тўғрисида”ги Қонуни чегара хизмати органларининг давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ТҚФни амалга оширувчи органлар билан ҳамкорликда тегишли ТҚТларини ўтказишни назарда тутди¹⁶.

Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказишга қарши курашиш ҳуқуқий асосларининг асосий қисмини, мазкур соҳага оид қонуности ҳужжатлари ташкил этади. В.Каримов ўз монографиясида, “ТҚФни амалга оширувчи органлар ўз ваколатлари доирасида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ТҚТларни ташкил этиш ва ўтказиш тактикасини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқадилар”¹⁷ деб таъкидлайди. Жумладан, бундай ҳужжатлар сирасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур соҳага оид фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, идоравий, идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Улар, шу жумладан, ТҚФнинг ташкилий-тактик жиҳатларини, яъни, ТҚФни амалга оширувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашда фойдаланиладиган махсус кучлар, воситалар ва усулларни қўллашнинг муайян томонларини бевосита тартибга соладиган идоравий, идоралараро ҳужжатлари (буйруқлари, қўлланмалари, йўриқномалари) ташкил этади.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий асослар гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказишга қарши курашишда тезкор бўлинмалар фаолиятини тартибга солиш ҳамда

¹³ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни 19, 20-моддалари.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 8 июлдаги “Миллий ахборот ресурсларини химоя қилиш бўйича кўшимча чора тadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-1572-сонли қарори.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Давлат чегаралари тўғрисида”ги Қонуни.

¹⁷ Қаранг: *Каримов В.* Тезкор-кидирув фаолияти ва инсон ҳуқуқлари: Монография. – Т.: “Lesson Press”. 2019. – Б. 54-56.



уларнинг ўзаро ва бошқа органлар билан ҳамкорлигини ташкил этиш вазифасини ҳал этишга қаратилган. Шу боис, тезкор бўлинмаларнинг мазкур соҳадаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва бу борадаги ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш масалалари ҳозирги кундаги долзарб вазифалар қаторига киради.